«ТАСДИКЛАЙМАН»

Шахрисабз туман хокими ўринбосари

__________ А.Рустамов

03.10. 2022 йил № 04 Шахрисабз тумани

Шахрисабз туман Ёшлар дафтарида турган фуқароларга тикиш машинаси харид қилиш буйича танлов асосида шартнома тузиш ва харид қилиш буйича комиссиясининг

**ТАНЛОВ КОНКУРС Б А Ё Н И :**

**Кун тартибида куриладиган масала:**

Шахрисабз туман Ёшлар дафтарида турган фуқароларга тикиш машинаси харид қилиш буйича танлов асосида шартнома тузиш ва харид қилиш учун шартномани тасдиқлаш туғрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, таъмирлаш ишларини бажариш учун бўйича 3 та хусусий корхона таклифлари тақдим этилган. Натижа куйидагича:

Танлов конкурс буйича 2022 йил 30 сентябр кунида № 154681 сонли лот протокол эълон шакллантирилгандан кейин энг юкори балл билан Abdullo Orifov Invest МЧЖ ғолиб бўлди ва 2 кун мухокамада қўйилди ҳамда бошқа эътирозлар бўлмагандан кейин Abdullo Orifov Invest МЧЖ билан шартнома тузилди.

**ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОРҚИЛАДИ:**

1 Abdullo Orifov Invest МЧЖ ғолиб деб топилсин.

2. Abdullo Orifov Invest МЧЖ томонидан тузилган шартномани ғазначиликдан руйхатдан ўтказиш ва олдиндан туловни амалга ошириш Д.Бобоқуловга, қурилиш пудрат ишларини назорат қилиб бориш А.Курбонов зиммасига юклатилсин.

3.Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

АЪЗОЛАР: А.Курбонов

Д.Бобоқулов

М.Абдулхоиров

Ф.Абдурахмонова

Котиб: Н.Қосимова

*Ш А Р Т Н О М А* 154681

***(Тикиш машиналарини етказиб бериш тўғрисида).***

*Шаҳрисабз шаҳри*

*« 03 » октябр 2022 йил.*

Биз, **Abdullo Orifov Invest МЧЖ**, номидан рахбар **А.Орифов** (кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади ) бир томондан фирма Низомига асосланиб, ва **Шахрисабз туман хокимлиги** номидан рахбар хокимнинг биринчи уринбосари **А. Рустамов** (кейинги ўринларда "Истемолчи"деб юритилади) иккинчи томондан булиб, Низомга асосланиб, хамда Ўзбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида" ги қонунига мувофиқ ушбу шартномани махсулотларни етказиб бериш тўғрисида туздик.

***1. УМУМИЙ КОИДАЛАР .***

1.1.Ушбу шартнома асосида томонлар ўртасида «03» октябр 2022 йилдан «15» октябр 2022 йилгача муддатга махсулотлар етказиб бериш тўғрисида хўжалик алокаси ўрнатилади.

1.2.Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки муддатидан олдин бекор килиш томонларнинг ёзма равишдаги келишувларига мувофик амалга оширилади.

1.3."Истеъмолчи"нинг буюртмасига асосан мазкур шартнома буйича "Таъминотчи" *74800000 (етмиш турт миллион саккиз юз минг)* сўмлик махсулотларни амалдаги хужалик қонунчилиги талаблари асосида етказиб беришни "Истемолчи" эса етказиб берилаётган махсулотлар учун ўз вақтида хақ тўлаш мажбуриятини олади.

***2. МАХСУЛОТЛАРНИНГ ТУРИ, МИКДОРИ, НАРХИ.***

2.1."Истемолчи" томонидан буюртма килинадиган махсулотларнинг тури, сифати, микдори ва етказиб бериш муддатлари томонлар ўртасида ўзаро келишилади ва қуйидагиларни етказиб беради. (Махсулот етказиб бериш жадвали шартномага илова килинади)

| *Т\Р* | *МАХСУЛОТ НОМИ* | *Улчов бирлиги* | *Сони* | *Нархи* | *С у м м а* |
|---|---|---|---|---|---|
| | Тикиш машинаси (**Максимальная ширина строчки, мм:** > 6 и ≤ 7<br>**Мощность, Вт:** > 125 и ≤ 150<br>**Наличие подсветки:** Да<br>**Наличие рукавной консоли:** Да<br>**Наличие функции обработки распошивальным швом:** Да<br>**Наличие функции обработки ролевым швом:** Да<br>**Расположение привода ножа:** Верхнее<br>**Тип нитеобрезателя:** Автоматический<br>**Количество видов строчек, шт.:** > 20 и ≤ 30<br>**Количество операций, шт.:** > 10 и ≤ 15<br>**Максимальная длина строчки, мм:** ≤ 5<br>**Скорость шитья, строчек в минуту:** > 1400 и ≤ 1600 | дона | 34 | 2200000 | 74800000 |

Жами Етмиш турт миллион саккиз юз минг сум 00 т

***3. МАХСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТИ.***

3.1. «Таъминотчи" етказиб берилаётган махсулотларни сифатига кафолат беради махсулот сифати ГОСТ, давлат стандартлари ва техник шартларига мос равишда, мувофик сертификатлари билан берилишини таъминлаши шарт.

3.2 Сифатсиз махсулот аникланган кундан бошлаб 1 кун ичида махсулот етказиб берувчи томонидан сифатсиз махсулот сифатлилиги билан алмаштириб берилиши лозим.

3.3."Истемолчи"нинг вакили махсулотларни микдори ва сифати буйича "Таъминотчи" нинг омборидан куриб кабул килиб олиш билан махсулотларни кабул килиб олиш муддати тугалланган хисобланади.

***4. МАХСУЛОТЛАРНИНГ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ.***

4.1. Махсулотларни етказиб бериш,"Истемолчи" томонидан такдим этилган бюртма асосида амалга оширилади.

4.2 Истемолчи махсулотларни "Таъминотчи"нинг омборхонасидан микдори, сони ва сифати буйича кабул килиб олади. Таъминотчи транспортида олиб борилишини, транспортни санитария холатига риоя килиш ва техник талабларига жавоб берадиган холда булишини таъминлаш мажбуриятини олади.

4.3. "Таъминотчи" махсулотларни етказиб беришни уз вактида амалга оширмаганида, етказилмаган махсулотларни ушбу холат аникланган кундан бошлаб 1 кун ичида "Истемолчи"га етказиб беради ёхуд "Истемолчи"нинг розилиги билан кейинга етказиб беришни ёки ушбу шартнома амал килиш доирасида етказиб беради.

### *5. МАХСУЛОТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ХИСОБЛАШ ТАРТИБИ .*

5.1.Махсулотларнинг нархи келишилган холда шартномада курсатилган суммаларда амалга оширилади.
5.2. Махсулотларни нархи белгиланган тартибда узгарганда "Истемолчи" туловини олдиндан качон тулаганидан катъий назар "Таъминотчи" махсулотларни сотиш кунида амалда булган нарх билан сотади.
5.3. "Истемолчи" етказиб берилаётган махсулотлари хакини шартнома имзолангандан сўнг 15 кун муддатда 30 фоиз олдиндан ва колган туловларни махсулот олингандан сўнг, 15 кун муддатда тулаб бериш мажбуриятини олади.
5.4. "Таъминотчи" етказиб берилаётган махсулотлар нархи белгиланган тартибда узгарганда "Истемолчи"ни бир хафта олдин ёзма равишда огохлантириши шарт.

### *6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.*

6.1."Таъминотчи" махсулотларни етказиб бериш муддатини кечиктирса ёки тулик етказиб бермаса "Истемолчи"га хар бир кечиктирилган кун учун етказиб берилмаган махсулот кийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди,бирок пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулот бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
6.2. "Таъминотчи" етказиб берган махсулотлар сифати ассортименти стандартлар ва техник шартларига мос келмаса ёки бут булмаган махсулот етказиб берса тузилган далолатнома асосида "Истемолчи"га сифати лозим даражада булмаган ёки бут булмаган махсулот кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.
6.3."Истемолчи" шартнома шартларига кўра тўловни ўз вактида тўламаса "Таъминотчи"га хар бир кечиктирилган кун учун туланмаган тулов суммасининг 0.4 фоизи микдорида пеня тулайди, аммо пеня кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда.

### 7.ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.2. Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Кашкакдарё вилоят хужалик суди оркали хал этилади.

### 8.БОШКА ШАРТЛАР.

.
8.1 Ушбу шартнома имзоланган вактдан бошлаб кучга кириб 31 декабр 2022 йилгача амалда бўлади.
8.2 Барча кўшимча ва ўзгартиришлар,ушбу шартнома буйича, ёзма равишда тузилиб томонлар томонидан имзоланиши лозим.

### *9. ФОРС - МАЖОР .*

9.1. Хеч бир томон иккинчи томон олдида узига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар булмайди.
9.2. Ушбу шартнома иккала томонга бир хил кучга эга булиб,икки нусхада тузилган.

### *ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОХЛАРИ .*

| *"ТАЪМИНОТЧИ"* | *"ИСТЕМОЛЧИ"* |
|---|---|
| Abdullo Orifov Invest МЧЖ | Шахрисабз туман хокимлиги |
| Китоб тумани Севаз мфй | Шахрисабз шахар Фусункор №86 |
| Банк: Ипак йули АИТБ Шахрисабз ф | Банк: Тошкент МБ ХККМ |
| МФО: 01048 ИНН: 306530586 | МФО: 00014 ИНН: 201602447 |
| | ШХР: 305022860102457109601018001 |
| х/р: 20208000405178131001 | х/р: 23402000300100001010 |
| Рахбар: А.Орифов | Рахбар: А.Рустамов |

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- хуқуқий базаси тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мос келади.

Хуқуқшунос: О.Ниязов

2214799

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ABDULLO ORIFOV INVEST" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ABDULLO ORIFOV INVEST" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.06.2019 — 737092 — ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306530586

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Qashqadaryo viloyati, Kitob tumani, Sevaz, Nurali qishlog'i,

Guvohnoma: Qashqadaryo viloyati, Kitob tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):